

“Пулларингизни ҳимоя қилинг, келажагингизни таъминланг” шиори остида танлов ташкил этилди



Марказий банк ҳамда “Глобал Монеи Везк” халқаро компанияси ташаббуси билан “Умумжаҳон пул ҳафталиги” муносабати билан Республикамиздаги таълим муассасаларида “Пулларингизни ҳимоя қилинг, келажагингизни таъминланг” шиори остида танловлар ташкил этиб келмоқда.

Агробанк АТБ ҳудудий бўлими томонидан тумандаги 1-2-3- ҳамда 10-сонли умумтаълим мактабларнинг 5-11-синф ўқувчилари учун интерактив очик дарслар ўтилиб, ўтилган дарс машғулоти бўйича савол-жавоблар ташкил этилди.

Ўқувчи-ёшларнинг иқтисодий ва банк соҳасига оид билимларини ошириш мақсадида ташкил этилган тадбирда энг фаол ва ташаббускор ўқувчиларга ташкилотчилар томонидан эсдалик совғалари топширилди.